Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

**к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 17/ХТБ**

**между Toshkent viloyati "Toza xudud" DUK и Куйичирчик тумани ХТБ на общую сумму 102350,00**

Глава 075

Казначейский лицевой счёт 100022860272337096300075003

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4225000 | | | |
| Январь | 102 350,00 | | | 102 350,00 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **102 350,00** | | | **102 350,00** |

Всего 102350,00 сум Сто две тысячи триста пятьдесят сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 102350,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _________ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ А.Шодмонов

(подпись) Ф.И.О.

М.П.

TOSHKENT VILOYATI XTB QUYICHIRCHIQ TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI

Главный бухгалтер заказчика ____________ Хатамов З.А.

(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___г.

**Контейнери бўлган юридик шахслар учун қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича**

**ШАРТНОМА № 17/ЮТБ**

2022 йил 05 Январь                                        Тошкент вилояти

Тоза худуд ДУК бундан буён матнда "ИЖРОЧИ" деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи раҳбар М. Мурходжаев бир томондан, ЮТБ бундан буён матнда "ИСТЕЪМОЛЧИ" деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи раҳбар А. Шодмонов иккинчи томондан ушбу шартномани, қуйидаги мақсадларда туздилар,

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.Мазкур шартномага биноан Ижрочи билан Истеъмолчи ўртасида қаттиқ ва ёки суюқ ҳолдаги чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича (ҚМЧ) тўғридан-тўғри хўжалик алоқа ўрнатилади.

Истеъмолчи топширади, Ижрочи эса Истеъмолчи жойлашган ҳудуд Қуйи Чирчик ЮТБ манзилдан бир ойда _____ маротаба дона (770 л., 1100 л., 6 м3) чиқинди сақлаш контейнердаги (ҚМЧ) қаттиқ маиший чиқиндиларни Истеъмолчи жойлашган ҳудуд манзилдан маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда "Йўналиш варақасига" буюртмачини аризасига бажарган ишлари юзасидан белги қўйидиради.

1.2.ҚМЧни умумий тўпланиши бир ойга 1 м3, бир йилга 2 м3 ташкил этади.

## 2. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ.

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир м3 ҚМЧ учун 44 500 сўм, ҚҚС билан 51175 сўмни ташкил этади.

2.2 Шартнома буйича бир йиллик кўзда тутилган тўловнинг умумий қиймати 102350 бир юз икки минг уч юз эллик сўм ташкил этади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум қилиш.

2.3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги "Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5580 фармонига асосан Истеъмочилар қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш буйича кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 100 фоиз олдиндан тўлов амалга ошириши шарт.

2.4.Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни хисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлар учун тарифлар бўйича амалга оширилади.

2.5.Юридик манзил, банк реквизитлари, корхона номлари ёки ҚМЧ хажми ўзгарган такдирда, томонларни 10 кун олдин ёзма равишда огохлантириш керак.

2.6.Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли бўлмаган сифатдаги ёки белгиланган муддатлардан ортиқ узилишлар билан хизматлар кўрсатилганда, ушбу даврда хизматлар учун тўловлар камайтирилади.

2.7.Ижрочи томонидан Истеъмолчининг хаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган холатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1.Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчи томонидан шартнома шартларини бажармаганлиги учун неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини қонун доирасида талаб қилиш;

Ижрочи конун хужжатларига мувофиқ; белгиланган норматив-хуқуқий актларга ва бошка хукукларга хам эга булиши мумкин.

3.2 Ижрочи куйидагиларга мажбур:

белгиланган муддатларда каттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;

қонунчиликда, мазкур Қоидаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофик Истеъмолчига зарур сифатдаги каттик маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш буйича хизматлар курсатиш;

қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртманомаларини бажариш;

қаттиқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш буйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий хисобварақаларининг холатини кузатиб бориш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси хисобини олиб бориш;

Истеъмолчининг мурожаатига асосан, алохида кўрсатилган нарх бўйича бузилишдан колган курилиш чикиндиларни, грунтни, агротехник ишлардан чикарилган чикиндиларни (шох-шаббалар, буталар ва бошкалар), олиб чикиб кетиш учун кушимча транспорт воситасини ажратиш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг холатини назорат килиб бориш, уларнинг тегишли холатда бўлишини таъминлаш;

Истеъмолчининг мурожаатига асосан, каттик маиший чикиндиларни туплаш учун контейнерларнинг зарур микдорда булишини таъминлаш;

ахолининг хаёти, саломатлиги, шунингдек атроф мухит учун хавфли булган бактерияларнинг ва бошка зарарли моддаларнинг ривожланишига, чикиндиларнинг куплаб тупланиб колишига карши режали ишларни олиб бориш (контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йули билан);

Тўпланиб қолган чиқиндиларни хисобини олиб бориш;

қаттик маиший чиқиндиларнинг иккиламчи хом ашёларини қабул қилиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналарга белгиланган тартибда топширилишини таъминлаш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум килиш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

қаттиқ маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар хисоб- китобининг холати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул такдим этиш;

Сан ПиН Руз. № 0297-11 биноан чиқиндиларни йиғиш шахобчаларини ва қутиларни дезинфекция килиш;

3.3. Истеъмолчи куйидаги хукукларга эга: шартнома асосида, ўзига зарур булган, белгиланган сифатдаги, хаёти ва саломатлиги учун хавфсиз булган, мулкига зарар бермайдиган хажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

хизматлар курсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган микдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб килиш;

Ижрочидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг хажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиш шартлари, хизматлар учун тўлов микдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш, хизматлар учун электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва реал вақт режимида шахсий хисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган холларда Ижрочига ёзма ёки телефон оркали 99/833-35-36 шикоятлар такдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб килиш;

шартномага мувофиқ, вақтинча ишлаб чиқариш ишлари бўлмаган, ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиниш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи уз вактида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб килиб судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошка хукуқларга хам эга бўлиши мумкин.

3.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

ҚМЧ ташланадиган контейнерларни курилиш ва йирик хажмдаги чикиндилар, шох- шаббалар билан тулдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йигиш хамда бу чикиндиларни ташиб кетиш учун алохида шартнома тузиш ва хақ тўлаш;

Чикинди саклаш кутилари жойлашган майдончалар ва чикинди туплаш курилмаларига автомашиналарнинг эркин якинлашишини ва чикинди кутиларини доимо соз холда саклашни таъминлаш;

ҚМЧни уз вактида ташиб чикиб кетилишини домий назорат килиш, тасдикланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда 99-833-35-33 телефонига телефонаграмма йўллаш орқали Ижрочига маълумот бериш;

Бажарилган ишнинг хажмини Ижрочининг ҳужжатларида Истеъмолчи вакилининг имзоси ва корхона мухри билан тасдиқлаб бориш;

Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш;

Хар ойда ойнинг охиригача ўтган ойда бажарилган ишларнинг далолатномасига асосан пул маблағларини Ижрочининг хисоб рақамига ўтказиш ҳамда режавий иш ҳажмига қараб олдиндан 100 % кам бўлмаган тўловларни амалга ошириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни кўчаларга, сув йўлларига, ариқ ва қаттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек харакатдаги автотранспорт воситасидан йўлаклар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик;

чиқиндиларни корхона ҳудудида ва рухсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йўл қўймаслик.

## 4. ШАРТНОМАЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Истеъмолчи қуйидагиларга жавобгар:

шартнома мажбуриятларини тўлик ёки кисман бажармаганлиги учун;

ҚМЧни олиб чикиб кетиш хизматига ўз вактида тўлов тўламаганлиги учун;

Шартнома шартларига кўра алохида белгиланган жойларда йиғилган ҚМЧни олиб чиқиб кетиш хизматини бузганлиги учун;

3.2. Истеъмолчи шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган микдорида, пеня тўлайди.

3.3. Ижрочи қуйидагиларга жавобгар:

кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш муддатлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда;

кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш учун тайинланган жаримани ўз вактида тўламаганлиги учун;

Ижрочида мавжуд бўлган қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган ЧЙМдаги контейнерларнинг техник ҳолати учун;

Ижрочи томонидан кўрсатилаётган хизматлар ёки сифатсиз хизматлар оқибатида ишчиларнинг ҳаётига, соғлигига ва Истеъмолчининг мулкига етказилган зарар учун;

3.4. Ижрочи томонидан хизмат кўрсатилмаса Истеъмолчига кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5 % микдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган микдорида, пеня тўлайди. Пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

## 5. ШАРТНОМА МУДДАТИ

3.1. Шартнома муддати “ 05 ” 01 2022 йилдан “ 31 ” 12 2022 йил гача белгиланади.

3.2. Ушбу шартномага оид бўлган Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган тақдирда, томонларнинг розилиги билан шартномага тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритиш учун қўшимча шартнома тузиш;

3.3. Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор килингунга кадар ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

3.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Томонлар орасида келиб чиққан барча келишмовчилик ва тортишувлар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Мазкур шартномадан келиб чиқадиган келишмовчиликлар, томонлар томонидан хал этилмаган такдирда, Ўзбекистон Республикасида белгиланган конунчиликга биноан суд оркали хал этилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**"ИЖРОЧИ"**

"TOZA XUDUD" DUK
Toshkent vil Quyichirchiq tum Do'stobod sh.
X/R 2021 0000 6007 8180 0047
IPOTEKABANK Do'stobod filiali
MFO 00408 INN 304 936 624
Tel. +99899 378 18 96 +99899 833-35-35

Манзил:

Тел:

Банк номи:

Ҳ/р:

МФО СТИР

ОКЭД

(Ф.И.Ш рахбар)

**"ИСТЕЪМОЛЧИ"**

ХТБ

Манзил: Куйи-чирчиқ тумани

Тел: 66-73-018

Банк номи: Марказий банк

Ҳ/р: 100022860272 3370968000 75003

МФО 00014 СТИР 200457786

ОКЭД 97600

Н. Шодмонов
(Ф.И.Ш рахбар)

Изох: Юридик шахслар билан тузилган шартномада, тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Ғазначилик бўлинмасида очилган шахсий хисоб варағи кўрсатилади.

ктрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: XY7153617418

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Quyi Chirchiq tumani Xalq ta'limi bo'limi "istemolchi" bir tomondan, ikkinchi tomondan Quyi Chirchiq tuman "toza xudud" DUK o'rtasida konteyneri bo'lgan yuridik shaxslar uchun qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib ketish xizmatlari ko'rsatish to'g'risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Quyi Chirchiq tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 20 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Xulosa: loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti A.Teshaboev

"20" yanvar 2022 yil.